



# MILLIY TIKLANISH

46 (530) ● 2018 йил 21 ноябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

## НЕФТЬ-ГАЗ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 ноябрь кuni нефть-газ саноатидаги ишлар ҳолатини муҳокама қилиш ва соҳани янада ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Нефть-газ саноати мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу соҳа нафақат энергия ишлаб чиқаради, балки кўплаб тармоқлар учун зарур бўлган полимерлар, органик кимёвий моддалар ҳамда азотли минерал ўғитлар ишлаб чиқаришда асосий хомашё базаси ҳисобланади.

Кейинги икки йилда соҳада амалга оширилган ислохотлар натижасида газ қазиб чиқариш ҳажми 10 фоизга ортди, аҳолига табиий газ 15 фоиз ва суюлтирилган газ 1,6 баробар кўп етказиб берилди.

Шу даврда нефтини қайта ишлаш заводларида қўшимча 204 минг тонна нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ички бозорда бензин, дизель ёқилгисига бўлган талаб қондириб келинмоқда.

Шўртан ва Устурт газ-кимё мажмуаларида жорий йилнинг ўзида газга нисбатан қўшилган қиймати 4 баробар кўп бўлган қарийб 700 миллион долларлик полиэтилен ва полипропилен ишлаб чиқарилади.

Нефть-газ соҳасини янада ривожлантириш мақсадида 2030 йилгача геология-қидирув ишлари олиб бориш, углеводородларни қазиб чиқариш ва чуқур қайта ишлаш бўйича умумий қиймати 36,5 миллиард долларлик 30 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш белгиланган.

Углеводородлар захирасини кўпайтириш бўйича аниқ чоралар кўрилма-са, яқин 10-15 йилда мавжуд захира 2 баробарга камаяди.

Шу боис, йиғилишда "Ўзбекнефтьгаз" акциядорлик жамияти раҳбариятига геология-қидирув ишлари ва қазиб олиш ҳажмини ошириш, конларни модернизация қилиш ва янгиларини очиш, нефть-газ хомашёсини чуқур қайта ишлаш, инвестицияларни кўпайтириш бўйича топшириқлар берилди. Жаҳон тажрибаси асосида бу ишларга инвесторларни кенгроқ жалб этиш, давлат ва инвесторлар манфаатини ҳимоя қилишни таъминлайдиган янги механизмлар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, 2017-2021 йилларда углеводород хомашёсини қазиб олиш дастурининг иккинчи босқичини амалга ошириш ва уни молиялаштириш бўйича жорий йил якунига қадар тақлифлар киритиш топширилди.

Магистрал газ қувурлари ва газ тақсимот тизимининг асосий қисми таъмирталаб ҳолга келган. Келажақда

истеъмолчиларни кафолатланган табиий газ билан таъминлаш мақсадида магистрал газ транспорт тизимини модернизация қилиш ҳамда газ оқимини бошқариш (SCADA) тизимини жорий этиш бўйича 1,6 миллиард долларлик лойиҳа амалга оширилади.

Бундан ташқари, газ тақсимот тизимини модернизация қилиш, газ истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини жорий этиш лойиҳаларига хорижий инвестиция ва кредитларни жалб этиш бўйича топшириқлар берилди.

Бунги кунда табиий газнинг атиги 2 фоизи чуқур қайта ишланиб, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар олинаётган бўлса, келгуси 10 йилда бу кўрсаткичи 7 баробар ошириш имконияти бор. Шунинг учун "Ўзбекнефтьгаз" акциядорлик жамияти нефть ва газ кимёси йўналишига устувор аҳамият қаратиши зарурлиги таъкидланди.

Жумладан, ароматик углеводородлар (бензол, толуол, ксилол), метанолдан олефин олиш технологияси асосида янги маҳсулотлар — полистирол, полиэтилентерефталат ва синтетик каучуклар ишлаб чиқариш, полиэтилен ва полипропилен ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконияти мавжуд. Ушбу лойиҳаларни амалга оширишга 9 миллиард доллар атрофида маблағ жалб қилиниши лозим.

Шунинг учун Европа мамлакатлари, Япония, АҚШ, Бирлашган Араб Амирикларидagi йирик компанияларнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб этиш ва лойиҳаларни амалга ошириш стратегияси ишлаб чиқилади. Йиғилишда "Ўзбекнефтьгаз" акциядорлик жамияти бошқарув тизими мураккаб ва кўп погонали бўлгани сабабли соҳада ислохотлар амалга оширилиши суҳт кечаётгани танқид қилинди.

Бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида "Ўзбекнефтьгаз" акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, тармоққа оид бўлмаган ташкилотларни тизимдан чиқариш бўйича кўрсатмалар берилди. Хусусан, функциялари бир-бирини тақрорлайдиган бошқарув бўғинларини қисқартириш, тармоқдаги сервис корхоналари ҳамда ёрдамчи ишлаб чиқаришларни давлат-хусусий шериклик асосида инвесторларга бериш кераклиги таъкидланди.

Соҳада мавжуд тўртта илмий-тадқиқот, изланиш ва лойиҳалаштириш институтлари негизда миллий нефть-газ илмий-тадқиқот институтини ташкил этиб, углеводородларни чуқур қайта ишлаш бўйича инновацион ечимлар топиш ва таъбиқ этишга алоҳида эътибор қаратиш вазифаси қўйилди.

ЎЗА

## Давлат дастури — амалда

### "Yoshlar — kelajagimiz": ЎРГАНИШЛАРДА КЎПЛАБ МАСАЛАЛАРГА ИЖОБИЙ ЕЧИМ ТОПИЛМОҚДА

**Айни пайтда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаоллари юртимиз бўйлаб "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастурининг ижроси, бу борада олиб борилаётган ишлар, ёиларга яратилаётган имкониятларни ўрганмоқда, хунармандлар фаолияти билан танишмоқда.**

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури асосида замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига ола биладиган баркамол, мақсадга интилувчан ва сергайрат ёшларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу дастур йигит-қизларнинг мустақил ҳаётда ўз ўрнини топиши, жамият ривожига муносиб ҳисса қўшишида муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, унда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ёш тадбиркорларга имтиёзли шартларда бинолар, офис техникаси ва сарфлаш материалларини ижарага бериш, уларни Интернет билан таъминлаш, бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини амалга оширишга кўмак бериш, бизнес режалар ишлаб чиқиш, маслаҳат, юридик, бухгалтерия ва бошқа хизмат турларини кўрсатиш, форумлар, мастер-класс ва семинарлар ташкил этиш учун "Yosh tadbirkorlar" коворкинг-марказлари ташкил этилиши белгиланган.

3-бет

## Тўйларимиз — ўйларимиз

### "ОДАМЛАР НИМА ДЕЙДИ?!" деган ноўрин "андиша" дан қутилиш пайти КЕЛМАДИМИКАН?!

**Тўй-маъракалар миллитимизнинг азалий қадриятлари ва анъаналарини намойиш этадиган кўзгу. Бу ҳақда халқ оғзаки ижоди намуналари, муштор адабиётимизда бетакрор тасвирлар учрайди. Бироқ авваллари қут-барака, хурсандчилик, ризқ-рўз, хайр-эхсон, аҳиллик маъноларини ўзида мужассам этган тўйнинг ҳозирги мазмунини анчагина ўзгартириб, яъни у энди кўплаб оилаларга хурсандчилик, қут-барака ўрнига қарздорлик, ташвиш, ортиқча кўнглихирлик олиб келаётгани ачинарли. "Борники фармон билан, йўқиники армон билан" деганларидек, камхарэсроқ оилалар тўй олди ва кейинги югур-югур, харажатни ўйлайвериш, асаб-бузарлик ортидан бардга чалинаётгани ҳам бор гап. Гапимизни айрим мисоллар билан мустаҳкамласан:**

"Яқинда бир оилага икки келин тушди. Кичик келин ўша қишлоқнинг ўзидан, каттаси шаҳардан. Ҳали тўй бошланиб улгурмай, қишлоқда шивир-шивир гап оралади: катта келин 40 кўрпача, 40 ёстиқ қилганмиш, кийим-кечакларининг сони юзга яқин экан, ажратилган уч хонали уйни қимматбаҳо парда, хориж мебели билан жиҳозлабди, тилла суви югуртирилган идиш-товоқлари санъат асарига ўшайди. Унинг ёнида Маҳфузанинг сарполари (бу ерда кичик келиннинг онаси назарда тутиляпти) шунақанги ғариб бўлиб қолдики, Ҳимоятхон (қайнона) "ютялмироқ" меҳмонларни фақат катта келинга ажратилган уйга олиб кираётганмиш..."

4-бет

## "TOSHKENT CITY" — ХАЛҚИМИЗ БУНЁДҚОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ ЁРҚИН НАМОЁНИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 ноябрь кuni пойтахтимиздаги "Toshkent City" халқаро ишбилармонлик маркази ҳудудида барпо этилаётган замонавий ишоотлар қурилиши билан танишди.**

"Шарқ дарвозаси" дея таъриф бериладиган Тошкент шаҳрини яшаш учун қўлай мегаполисга айлантириш, ҳудудда хизмат кўрсатиш, транспорт-логистика, бизнес инфратузилмаларини ривожлантириш йўлида кенг қўламли бунёдқорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барпо этилаётган "Toshkent City" халқаро ишбилармонлик маркази ана шундай ноёб лойиҳалардан бўлиб, пойтахтимизнинг жаҳондаги энг замонавий ва кўркам шаҳарлар қаторидан жой олишига хизмат қилади.

80 гектардан иборат халқаро ишбилармонлик марказида давлатимиз раҳбарининг аввалги ташрифлари чоғида берилган кўрсатмалар асосида



қурилиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Бизнес марказлар, меҳмонхоналар, конгресс-холл, офислар, кўп қаватли турак жойлар, ресторанлар ва бошқа объектлар етти лотга ажратилган ҳолда бунёд этилмоқда.

Президентимиз объект билан танишуви дунёнинг етакчи брендларидан бўлган беш юлдузли "Hilton" меҳмонхонаси қурилишини кўздан кечиришдан бошлади.

Йигирма қаватли мазкур меҳмонхона энг замонавий қўлайликларни ўзида мужассам этади. Унда нуфузли анжуманлар ўтказиш учун заллар, ресторанлар, салонлар, бассейнлар қурилади.

Давлатимиз раҳбари меҳмонхона битган, қандай кўринишда бўлиши ҳақида тасаввур бериш учун намуна сифатида барпо этилган хона ва заллар билан

танишди. Хоналар кўриниши, дизайннда ранглар уйғунлигига алоҳида эътибор қаратиш, кайфиятни кўтарадиган ёрқин ранглардан кўпроқ фойдаланиш зарурлигини таъкидлади.

2-бет

## Фракция позицияси

### 2019 ЙИЛ БЮДЖЕТНОМАСИ ДЕПУТАТЛАР ТОМОНИДАН МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



**2018 йил 17 ноябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджетни, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини кўриб чиқдилар.**

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — молия вазири Жамшид Қўчқоров маъруза қилди.

Даставвал парламент қуйи палатасининг барча кўмиталари, сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи мажлисларида ушбу масаланинг дастлабки муҳокамалари ўтказилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим қилинган 2019 йилги

Бюджетнома Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 96-моддаси қоидаларига мувофиқ ишлаб чиқилиб, парламентга киритилган.

2-бет

## ОБУНА-2019

НАШР КЎРСАТКИЧИ — 158

Газетамизга обуна давом этмоқда!

**"Соғлом танда — соғ ақл" дейдилар. Қачонки инсон жисмонан соғ, маънан баркамол бўлсагина жамиятда ўз ўрнига эга бўлади. Фарзандларингиз соғлом, мақсадга интилувчан, ижодий салоҳияти ва камолоти йўлида камарбаста бўлишни истасангиз, "Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!**



**Руслан НУРИДДИНОВ.**

спортнинг оғир атлетика тури бўйича 2016 йилги ёзги Олимпиада чемпиони



"Milliy tiklanish" газетасини [www.milliytiklanish.uz](http://www.milliytiklanish.uz) сайтида, шунингдек, [fb.com/milliytiklanish](https://fb.com/milliytiklanish), [t.me/milliytiklanish\\_uz](https://t.me/milliytiklanish_uz) ижтимоий тармоқларида ҳам ўқинг!













Бизнинг шарҳ

# ТИНЧЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК — ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

20 ноябрь — Африкани саноатлаштириш куни

1990 йилдан бери ҳар йили "20 ноябрь — Африкани саноатлаштириш куни" сифатида нишонланади. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган резолюцияда халқаро ҳамжамият Африкани саноатлаштириш ишига ўз ҳиссасини қўшиши кераклиги таъкидланади. Умуман олганда, мазкур резолюцияда асосий эътибор икки ўн йилликда Африка саноатини тараққий эттириш масалаларига қаратилган.



БМТ резолюциясида Африка мамлакатлари ўз халқига тадбиркорликни ривожлантириш учун барча шарт-шароитни яратиб бериши лозимлиги қайд қилинган. Шундан келиб чиққан ҳолда Африкани саноатлаштириш куни ҳар йили аниқ бир мавзуга бағишланади. Шу куни жаҳон бўйлаб мавзу доирасида Африкани саноатлаштиришнинг аҳамияти, қитъадаги кескин муаммоларга аталган тадбирлар ўтказилиши аниқланади.

Бундай куннинг БМТ даражасида белгила-ниши, албатта, бежиз эмас. Бугун дунёда рўй бераётган нотинчликлар жаҳон иқтисодиётига, халқаро бизнесга ҳам жиддий путур етказ-моқда. Ишбилармонлар тинчлик-осойишталик кафолатланган, қулай бизнес муҳити яратилган мамлакатлар билан ҳамкорликка интилади.

Бинобарин, тинчлик — тараққий ва фаровонликнинг асосий омили. Аммо қитъа-да шундай мамлакатлар ҳам борки, гарчи мустақилликка эришганига 50 йилдан ошган бўлса-да, у ерда ҳамон қирғинбарот уруш-

лар туггани йўқ. Халқ йиллар давомида оч-наҳорлик, сарсон-саргондонликда умр кечирмоқда.

Утган асрнинг 60-йилларини том маъно-да Африка қитъаси йили, деб аташ мумкин. Чунки ана шу давр мобайнида ушбу қитъада жуда кўп мамлакатлар мустақилликка эришди. Уларда келажакка, яхши ҳаётга ишонч уйғон-ди. Мустақил мамлакат сифатида ўз давлат тизими, армия ва полицияси ташкил топди. Миллий маданияти ва санъатини шакллан-тириш ва ривожлантириш имконияти пайдо бўлди. БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар-нинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди, эртанги кунга ишонч билан қадам ташлай бошлади. Еш давлатлар БМТнинг ихтисослашган муассаса-лари, хорижий мамлакатлар, халқаро молия ташкилотлари, банклардан ҳар томонлама ёр-дам олди. Шу билан бирга, совуқ уруш даври-да икки йирик лагерга бўлинган давлатларнинг Африка мамлакатларига қизиқиши ва таъсири ҳам кучайиб борди. Пировардида мустақил-ликка эришган Африка мамлакатларининг ҳукуматлари ижтимоий-иқтисодий ривожлан-иш лойиҳаларини ана шу йирик давлатлар-нинг режалари асосида олиб боришга мажбур бўлди: айримлари капиталистик, айримлари эса нокапиталистик йўлни танлашди. Бироқ Африка мамлакатлари учун ҳар икки йўл ҳам ўзини оқламагандек бўлди. Деярли барча мамлакатда инсон қони беҳуда тўкилди. Чунки бу мамлакатларда фуқаролар уруши бошлан-иб кетди. Бир қанча Африка мамлакатлари мустақил тараққий йўлини танлаган бўлишига қарамай, қашшоқликча қолаверди. Бунга ҳу-кумат раҳбарларининг тараққий йўлини тўғри танлай олмагани сабаб бўлди, дейиш мумкин. Айрим мамлакатларда давлатчилик қурилиши ўта мураккабликлар билан кечди.

Африка мамлакатларининг айримларида бошбошқоқлик юзага келди. Бошқарув аппара-тига профессионал бўлмаганлар келиб қолди. Бу ўз навбатида бюрократик аппаратнинг самара-сиз ишлашига олиб келди. Коррупция авжига чиқди, маҳаллийчилик юзага келди. Бу аҳоли-

нинг бошқарув аппаратида ишончини сусай-тирди. Жамиятда фақат қўлида қурул қўтарган-ларгина бирлашган куч сифатида юзага чиқди. Пировардида ҳарбий тўнтаришлар содир бўлди.

Бир қатор мамлакатларда гиёҳванд мод-далар ноқонуний савдоси, ноқонуний тарзда олтин ва олмослар қазиб олиш, ҳатто одам савдоси авжига чиқди. Жаҳон ялли ички маҳсулотиде Африка мамлакатлари улуши қисқариб кетди. Аҳоли жон бошига ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳам қамайди. Мустақилликка эришган давлатлар ўртасидаги чегараларнинг сунъий равишда белгилан-гани ҳам бир қанча муаммоларни келтириб чиқарди. Шу каби масалаларга ечим топиш мақсадида 1963 йилда Африка Бирлиги таш-килотига асос солинди. Бироқ шунга қарамай Африкада этник тўқнашувлар юз бериб турди. Африканинг узок бир мамлакатиде юз берган этник тўқнашувлар қитъанинг бошқа бурчагида акс-садо бера бошлади.

1967-1970 йилларда Нигерияда юз берган фуқаролар уруши вақтида 2 миллионга яқин одам ҳалок бўлди. Угандада эса 1971-1979 йиллар мобайнида аёвсиз қирғин-баротлар юз берди. Руан ва Бурунди мамлакатларида хулу ва тулси халқлари ўртасида бўлиб ўтган қонли тўқнашувлар ҳам ҳар икки мамлакат иқтисоди-ётига катта зарар етказди. Руандада 1 миллион, Бурундида эса 600 мингдан ортиқ киши ўз юртидан бош олиб кетди.

Африка мамлакатларининг халқлари қаш-шоқлик, очлик, урушлар туфайли ўз уйини ташлаб, бошқа юртларга бош олиб кетишга мажбур бўлди. Худди шу сабаб ўтган асрнинг 60-йилларида Фарбий Европа мамлакатлари африкалик арзон ишчилар билан тўлиб кетган эди. 90-йилларга келибгина Тропик ва Жану-бий Африка мамлакатларида тинчлик қарор топа бошлади. Айрим таҳлилчилар бунга "совуқ уруш"нинг тугани сабаб бўлганини айтишади. Бироқ бир қанча мамлакатда аввал-гидан ҳам баттар миллатлараро тўқнашувлар, фуқаролар уруши юзага келди.

Либерияда 1989 йилги қирғин-баротлар бир



миллиондан ортиқ фуқаронинг оммавий ра-вишда қўшни мамлакатларга кетишига сабаб бўл-ди. Пароканда ҳолатига келиб қолган мамлакатга киритилган халқаро тинчликни сақловчи кучлар саяй-ҳаракатлари билангина Либерия ўз давлат-чилигини сақлаб қолди. Қўшни Сьерра-Леоне Республикасидаги ҳарбий тўнтариш ва қуроли низолар фуқаролар урушига олиб келди. Африка Бирлик ташкилоти ва БМТнинг аралашуви билан мажоро бироз юмшади. Бироқ мамлакат иқтисо-дийи танназулга юз тўлди. Сомалида тузилган бир қанча ҳарбий-сиёсий ташкилотлар ўртаси-даги рақобат мамлакатнинг бир неча қисмга бўлинишига олиб келди. Конго Демократик Рес-публикасидаги вазият эса нафақат мамлакатнинг бўлиниб кетишига, балки қўшни мамлакатларга ҳам салбий таъсир кўрсатди. Чунки бир мамлакат расмий ҳокимиятни қўллаб-қувватласа, иккинчи бир давлат исёнкорларга ён босди. Чад Респу-бликасида юз берган ички қарама-қаршилиқлар мамлакат иқтисодиётини бутунлай издан чиқариб юборди. Эфиопиядан ажралиб чиққан Эритре-ядаги келишмовчиликлар ҳам Эфиопияга, ҳам

Эритреяга оғир талофат келтирди.

Қитъадаги вазиятни таҳлил қилган шарҳлов-чилар "афропессимизм" деган иборани қўллай бошлади. Аҳолининг тушкун кайфиятга берилиб кетишига сўзсиз очлик, қашшоқлик, юқумли касалликларнинг авж олиши, жиноятчиликнинг ўсиши ва илдиш отган коррупция сабаб бўлди. Миллатлар ва элатлараро тўқнашувлар Аф-рика қитъаси бошига оғир кулфатларни солди. Африкаликлар бунинг учун Фарб мамлакатлари-ни айблайдилар. Лекин ҳамма айб Фарбдамикан? Аммо бу саволга ҳозирча жавоб йўқ...

Хулоса қилиб айтганда, тинчлик — буюк неъмат. Унинг мустақкам қўрғони тинч-ликларвар сибсат тарафдорлари — давлатлар, халқлар ва миллатлар. Тинчлик маҳсули дунёда бир хил англанилади: тараққий, фаро-вон ҳаёт, бахтиёр одамлар, порлоқ келажак.

Африкада эса ярим асрки тинчлик ва хотир-жамлик йўқ...


Шарофиддин Тўлаганов,  
халқаро шарҳловчи

Рангин дунё

Испаниянинг Бильбао шаҳрида жойлашган Гуттенхейм санъат музейи биносини канада-америкалик архитектор Френк Гери лойиҳалаштирган. Ушбу замонавий санъат музейи Бильбао шаҳридан ўтган Нервион дарёси соҳилида қуриланган. У Соломон Гуттенхейм фондига қарашли музейлардан бири саналади. Музей экспозициясидан асосан халқаро ва испан рассомларининг асарлари ўрин олган. У бугунги кунда Испаниядаги энг йирик музейлардан бири ҳисобланади.

## ГУТТЕНХЕЙМ САНЪАТ МУЗЕЙИ

қурилишига кетган маблағдан кўп фойда келтиряпти



Музей нафақат экспонатлари, балки биносининг ўзига хослиги билан ҳам ажралиб туради. Иншоот архитектура-си маданият белгиси сифатида намоён бўлган. Шу боис у танқидчилар, олимлар ва кенг омманинг эътиборини қозонган. 2010 йилдаги Жаҳон архитектураси ҳақидаги умумий маълумотларда 1980 йилда бунёд этилган бўлса-да экспертлар томонидан энг кўп тилга олинган иншоот, деб эътироф этилган.

Мамлакат ҳукумати 1991 йили Соломон Гуттенхейм фон-дига Бильбаодаги қачонлардир шаҳарнинг асосий даромад манбаи бўлган, лекин айна вақтда эскириб қолган порт майдонида музей қурилишини молиялаштиришни тақлиф этади. Қурилиш учун ҳукумат 100 миллион, фонд тузишга 50 миллион, бир марталик тўлов учун 20 миллион, музейнинг йиллик бюджетини юритишга эса 12 миллион АҚШ доллари миқдориде маблағ ажратди. Соломон Гуттенхейм фонди бунга муассасани бошқариши, ўзининг доимий йиғилиш-ларини шу ерда ўтказиши ва вақтинчалик кўргазмалар ташкил этиш эъзизига рози бўлди.

Музейнинг қурилиш ишларига 89 миллион АҚШ доллари сарфланди. Унинг очилиш маросимига шаҳарнинг беш мингга яқин аҳолиси келди ва шу муносабат билан ташкил этилган чироклар шоуиси, мушакбозлик ва концерт дасту-рида иштирок этди. Музейни 1997 йил 18 октябрь санасида

қирол Хуан Карлос I ўзи очиб берди.

Бино архитектори Френк Герини Соломон Гуттенхейм фонди танлаган. У бино инновацион кўринишга эга бў-лиши керак, деган тўхтамаг келган. Шу сабаб иншоотнинг ташқи кўринишини эгри шакли қилиб лойиҳалаштирган. Архитекторнинг айтишича, эгри шакллар қўш нури яхши тушиши учун мўлжалланган.

Музей очилиши биланок деконструктивизм услубида қурил-ган дунёдаги энг гаройиб бино сифатида тан олинган. Кўпчилик уни XX аср дурдонаси, деб баҳолайди. Архитектор Филипп Жонсон иншоотни "давримизнинг бетакрор биноси", деб атаган. Таниқли америкалик танқидчи Кальвин Томкинс бинога "титандан тўн кийган тўлқин кўринишидаги фантастик кема", дея баҳо берган. "The New York Times" журналида музей кўри-ниши "меркурий порлаши"га қийсланган. "The Independent" эса бу лойиҳани "меъморий жасорат", деб таърифлади. Музей биноси дунё бўйлаб шунга ўхшаш дизайн услубини илҳомлан-тира олгани билан қадрлидир, дея баҳоланди.

Музей биноси асосан ойна, тош ва титандан ташкил топ-ган бўлса-да, шаҳар кўринишига уйғунлашиб кетган. Унинг 24 минг квадрат метр майдонидан қарийб ярми, яъни 11 минг квадрат метри кўргазмалар залидан иборат. Бу зал ўша вақтда Нью-Йорк ва Венециядаги Гуттенхейм музейларининг кўргазмалар майдонидан катта эди. Мазкур зал 19 та гале-

реяга бўлинган. Унинг ўнтаси классик дизайнга эга. Қолган тўққизтаси эгри шаклда бўлиб, ўзининг айланма бурчаклари ва деворига титан қоплангани билан ажралиб туради. Энг катта галереянинг эни 30, бўйи 130 метрни ташкил этади. 2005 йилда бу галереяга Ричард Серрининг монументал анжомлар кўргазмаси — "Вақт буюмлари" жойлаштирилган.

Музей очилиши биланок шаҳарнинг энг кўзга кўринган масканларидан бирига айланди ва бутун дунё сайёҳларини ўзига жалб қила олди. Дастлабки уч йилда музейга 4 мил-лион сайёҳ келган. Бу шаҳарнинг иқтисодий фаолиятига катта ижобий таъсир ўтказди. Яъни ушбу туристлардан 500 миллион евро фойда қолди. Шаҳар вилоят кенгашининг ҳи-соботида кўра келган сайёҳларнинг меҳмонхона, ресторан, дўкон, транспорт учун сарфлаган маблағидан 100 миллион евро солиқ тўланган. Бу музей қурилишига сарфланган пулдан анча кўп. Бино 1999 йили Жеймс Бонд ҳақидаги — "World Is Not Enough" фильмида ҳам намоийш этилган.

Мамлакат аудиторлик палатасининг 2007 йилги ҳисобо-тида қайд этилишича, музей 2002-2005 йиллар давомида санъат асарларини сотиб олиш учун 27 миллион АҚШ доллари сарфлаган.

Мухторбек АБДУЛЛАЕВ,  
"Milliy tiklanish" мухбири

